

**О.Г.БОЛЬШАКОВНИНГ “ХАЛИФАЛИК ТАРИХИ (ИСТОРИЯ  
ХАЛИФАТА)” МОНОГРАФИЯСИ ИЛК АРАБ-МУСУЛМОН ДАВЛАТИ  
ТАРИХИ БҮЙИЧА ЙИРИК ТАДҚИҚОТ**

**Зоҳидов Қобилжон Тоиржонович**

Тарих фанлари номзоди, доцент

Янги аср университети

**Аннотация:** Уибӯ мақолада россиялик шарқшунос, тарихчи О.Г.Большаковнинг фундаментал тадқиқоти бўлмиши, 4 жисдан иборат “История халифата (Халифалик тарихи)” монографиясига бағишиланган. Унда монографиянинг ҳар бир жислди ҳақида атрофлича маълумот берилади. Шунингдек, муаллифнинг “Средневековый город Ближнего Востока (Ўрта асрларда Яқин Шарқдаги шаҳар)” асари ҳақида ҳам сўз боради.

**Калим сўзлар:** О.Г.Большаков, ислом, халифалик, исломшунослик, халифа, ўрта аср, халифалик тарихи, ҳарож, шарқшунослик институти Ленинград бўлими.

**Abstract:** This article is devoted to the 4-volume monograph "History of the Caliphate", which is the fundamental research of the Russian orientalist and historian O.G. Bolshakov. It provides detailed information about each volume of the monograph. It is also mentioned about the author's work "City in the Middle East in the Middle Ages".

**Key words:** O. G. Bolshakov, Islam, caliphate, Islamic studies, caliph, middle ages, history of the caliphate, Kharaj, Leningrad branch of the Institute of Oriental Studies.

### **Кириш**

Ислом ва ислом давлатчилиги тарихи Шарқ ва Ғарб тадқиқотчиларини ўзига тортиб келган. Шунингдек, бу соҳани ўрганишда Россия шарқшунослари ҳам етакчи ўринни эгаллаганлар. Лекин Ғарб ва собиқ иттифоқ даври шарқшунослари ўз даврида Ислом дини, унинг буюк шахслари, давлатчилик асосларига нисбатан турли бўхтон ва уйдирмаларни қалаштиридилар. Истиқлол натижаси ўлароқ собиқ иттифоқ минтақасида яшовчи мусулмон аҳоли Ислом дини ва унинг тарихини бирламчи манбалардан ўрганишга муваффақ бўла бошлади. Шу боис тадқиқотчиларнинг диний қарашларга нисбатан объективлик даражаси сезиларли даражада ошди.

## О.Г.Большаковнинг “История халифата (Халифалик тарихи)” монографиясининг таҳлили.

Илк ислом давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланиши кўп даврлар мобайнида дунё тарихчилариининг эътиборини тортиб келмоқда. Бу соҳани ўрганишда айниқса, Россия исломшунос олимларининг ҳиссаси катта. Масалан, таниқли россиялик исломшунос О.Г. Большаков ўз тадқиқотларида асосий эътиборни Мұхаммад пайғамбар ﷺ нинг фаолиятлари, у зот асос солган давлатнинг ташқи сиёсати ва араб истилоларига қаратди [1,6.8-9,37,74,241,242-243, 247-248,268,273-274,279].

О.Г.Большаков (1929-2020 йиллар) – собиқ иттифоқ ва Россия шарқшуносларидан. У тарих, араб тили, археология ва исломшунослик соҳаларида илмий тадқиқот олиб борган. Тарих фанлари доктор, профессор.

Унинг “Халифалик тарихи”[4,6.310,294,384,367] номли 4 жилдан иборат монографияси тадқиқот обьекти учун муҳим манба ҳисобланади. О.Г.Большаков ушбу тадқиқотида Жоҳилият, Исломнинг Арабистон ярим оролида пайдо бўлиши, Макка ва Мадина даври, Рошид халифалар, Умавийлар даврини комплекс ўрганишга ҳаракат қилган. Лекин унинг илк тадқиқотларида атеистик қарашлар сезилиб туради. Албатта, бу у яшаган давр ва сиёсий муҳит билан боғлиқ бўлган. Унинг коммунистик мағкурунинг қулаши ортидан тарихий жараёнга бўлган обьективлиги ошган. Тадқиқотчининг маълумотларни бирламчи манбага мурожаат қила олиши, унинг араб ва форс тилларини яхши билишига далолат қиласи.

Ленинград давлат университетининг қайта тикланган шарқ бўлимига ўқишига кирган О. Г. Большаков ўзи учун илмий қизиқишнинг иккита йўналишга бўлди: Яқин Шарқ ва Ўрта Осиё (асосан Мўғулларгача бўлган давр) ва араб археологияси тарихига оид араб тилидаги манбаларни ўрганиш ва у ўзининг бу танловига содик қолди. Илмий фаолиятнинг ушбу соҳаларини ижодий синтез қила олиши, эҳтимол унинг шарқшунос сифатида ноёблиги эди, дейиш мумкин. У мустақил равища бошқаларнинг ёрдамига муҳтож бўлмай, қўлёзма манбаларига мурожат қила олар эди.

О. Г. Большаковнинг талаба ва аспирантура йилларида олим сифатида шаклланишида унинг устозлари ҳал қилувчи рол ўйнадилар, улар орасида академик И. Ю. Крачковский, В. И. Беляев, И. П. Петрушевский, А. Ю. Якубовский, А.М. Беленицкийлар бор эди.

Унинг “История халифата (Халифалик тарихи)” номли монографияси ислом тарихини ўрганиш бўйича муҳим тадқиқот ҳисобланади. Мазкур монографиянинг биринчи китоби [1,6.310] Исломдан олдинги Арабистон ярим ороли, жоҳилият даври, ислом динининг пайдо бўлиши ва шаклланиши, ҳамда

Арабистон ярим оролида марказлашган илк мусулмон давлати – Халифалик институтининг пайдо бўлиши ҳақида баён этилади.

Ушбу монографиянинг иккинчи китобида [2,6.294] Халифа Умар ибн Хаттобнинг халифаликка тайинланишидан то Усмон ибн Аффоннинг ўлдирилгунга қадар бўлган даврдаги Арабистон ярим оролидан ташқаридаги фатхлар ҳақида сўз боради. Араб-мусулмон давлати тарихидаги ушбу қисқа, аммо ўта муҳим даврнинг ижтимоий-иктисодий муаммоларига катта эътибор берилган.

Халифалик тарихининг учинчи жилди [3] мусулмон давлати ичидаги шиддатли тус олган диний ва сиёсий кураш даврига бағишлиланган. Унда исломдаги биринчи фуқаролар уруши билан боғлиқ воқеалар, хорижийлар ва Шиъалар ҳаракати, Али ибн Абу Толибнинг ўлими билан яқунланган ал-Хулафо ар-рошидун даври ва Умавийлар даврининг бошланиши, Карбало воқеаларидан кейин бошланиб Абдулло ибн Зубайрнинг ўлими билан яқунланган иккинчи фуқаролар уруши тадқиқ этилган.

Халифалик тарихи тўртинчи жилди [4,6.382]да 695-750 йиллар воқеалари тасвириланган. Унда ислом тарихидаги биринчи ва иккинчи фуқаролар уруши, яъни Али ибн Абу Толиб ва Муовия ибн Абу Суфён ўртасидаги ихтилоф, Али ибн Абу Толибнинг ўлими билан биринчи фитнага якун кўйилиши, ҳамда Карбало фожеаси билан бошланган ва Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг вафоти билан тугаган иккинчи фитналар ҳақида тўлиқ тадқиқот олиб борилган.

### **О.Г.Большаковнинг Унинг “Средневековый город Ближнего Востока (Ўрта асрларда Яқин Шарқдаги шаҳар)” китобининг таҳлили.**

Унинг “Средневековый город Ближнего Востока [5] (Ўрта асрларда Яқин Шарқдаги шаҳар)” китоби собиқ иттифоқ исломшунослигига биринчи бўлиб VII-XIII аср ўрталарида Сурия ва Миср шаҳарларининг демографияси, иқтисодий ва ижтимоий алоқаларини монографик ўрганиш бўлиб, шаҳарларнинг жаҳон тарихидаги ўрнини кенг жиҳатидан кўриб чиқди. Турли манбалардан олинган кенг материалдан фойдаланиб, муаллиф шаҳарларнинг жамиятнинг ижтимоий тузилишидаги ўрнини, фуқароларни ташкил етиш шаклларини, халқ ҳаракатларининг йўналиши ва мафкурасини тадқиқ этган.

Тадқиқотда Ўрта шарқдаги шаҳарсозлик, шаҳар тузилиши, унинг тизими, бозорлар жойлашуви, сulton саройининг ички ва ташқи тузилиши ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

## Хулоса

О.Г.Большаков ислом тарихи бўйича асосий иккита монографиясини нашр эттириди. Ҳар иккала монография ҳам ўз соҳаси бўйича қимматли маълумотларни ўз ичига олган. “История халифата” китоби 4 жилдан иборат бўлиб, Жоҳилият давридан Умавийлар сулоласигача бўлган даврни ўз ичига олади. Монографияда муаллиф бирламчи манбалардан унумли фойдалана олган. Асосан араб, форс тилларидаги манбаларга мурожаат қилган. Унинг “Средневековый город Ближнего Востока” китоби ўрта аср Яқин Шарқ худудидаги шаҳарсозлик ва урбанизация муаммоларига бағишиланган. Уни ёзишда ҳам кўплаб бирламчи манбаларга мурожаат қилинган.

## Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Большаков О.Г. История Халифата. –Т.І. Ислам в Аравии. 570-633. – М.: ГРВЛ, 1989. 310 с. Второе издание. – М.: ГРВЛ, 2000.
2. Большаков О. Г. История Халифата. –Т.ІІ. Эпоха великих завоеваний. 633-656. – М.: ГРВЛ, 1993. 294 с. Второе издание. – М.: ГРВЛ, 2000.
3. Большаков О. Г. История Халифата. –Т.ІІІ. Между двух гражданских войн. 656-696. – М.: ГРВЛ, 1998. Второе издание. – М.: ГРВЛ, 1993.
4. Большаков О. Г. История халифата : [В 4 т.] / О. Г. Большаков / Т. 4. Апогей и падение арабского Халифата (695–750). – М.: ГРВЛ, 2010. – 367 с.
5. Большаков О. Г. Средневековый город Ближнего Востока VII-середина XIII в. Социально-экономические отношения. – М.: ГРВЛ, 1984.